

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУВАЛИЕВА НОДИРА АЛИШЕРОВНА**

**АЛИШЕР НАВОИЙ ҒАЗАЛЛАРИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК**  
**ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.01 - Ўзбек тили**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)**  
**илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2022**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation abstract of Doctor of philosophy (PhD) on  
philological sciences**

**Абдувалиева Нодира Алишеровна**

Алишер Навоий ғазалларининг лексик-семантик хусусиятлари.....3

**Abduvaliyeva Nodira Alisherovna**

Lexical and semantic features of Alisher Navoi's ghazals.....27

**Абдувалиева Нодира Алишеровна Лексико-семантические особенности**

газелей Алишера Навои.....49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....54

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУВАЛИЕВА НОДИРА АЛИШЕРОВНА**

**АЛИШЕР НАВОИЙ ҒАЗАЛЛАРИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК**  
**ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.01 - Ўзбек тили**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)**  
**илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.4.PhD/Fil1405

Диссертация выполнена в Ферганском государственном университете.  
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, английский, русский (резюме)) размещен на веб-странице Ферганского государственного университета по адресу: www.fdu.uz и в Информационно-образовательном портале «Ziyouet» www.ziyouet.uz

**Научный руководитель:** Умарова Наргизахон Рустимова  
доктор филологических наук, доцент

**Официальные оппоненты:** Усмонова Хуринисо Шарановна,  
доктор филологических наук, профессор

Рахматов Мардон Мехмонович, кандидат  
филологических наук, доцент

**Ведущая организация:** Ургенчский государственный университет

Защита диссертации состоится «02» 09 2022 года в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc, 03/30.12.2019.Fil.05.02 при Ферганском государственном университете по адресу: 100151, г. Фергана, улица Мураббийлар, 19. Тел.: (99873) 244-66-02; факс: 99873) 244-44-01; e-mail: info@fdu.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета (зарегистрирована под № 199). Адрес: 100151, г. Фергана, улица Мураббийлар, 19. Тел.: (99873) 244-71-28.

Автореферат диссертации разослан «5» 09 2022 года.  
(протокол рассылки № 55 от «5» 09 2022 года)



**Ш.М.Искандарова**  
Председатель Ученого совета по присуждению  
ученых степеней и степеней кандидата наук, профессор

**М.Т.Зокиров**  
Ученый секретарь Ученого совета по  
присуждению ученых степеней, кандидат  
филологических наук, доцент

**А.Б.Мамажонов**  
Председатель научного семинара при ученом  
совете по присуждению ученых степеней,  
доктор филол.наук, профессор.

### **КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё тилшунослигида тилнинг жамият тараққиёти билан узвий боғлиқ ҳолда тез ўзгарувчан қатлами – лексик сатҳидаги ўзгаришларни, муайян тарихий даврдаги умумий ҳолатларни белгилашда бадиий асарнинг муҳим манба эканлиги бу доирада бажарилган барча ишларда эътироф этиб келинади. Айниқса, алоҳида ижодкор тилида қўлланган лексик бирликларнинг семантик хусусиятлари ва услубий имкониятлари таҳлили орқали тилнинг луғавий-маъновий такомилени далиллаш мавжуд илмий изланишларнинг асосий мазмунини ташкил этади. Бу эса ҳар қандай тил тадрижий тараққиётини тўлиқ асослаш, қолаверса, миллий тил имкониятларидан ўз асарларида тўлақонли фойдаланган мумтоз ижодкорларнинг, хусусан, Алишер Навоийдек улуғ шоирнинг луғат захирасини, сўз бойлигини лексик ва семантик жиҳатдан ёритиш орқали тил ҳодисаларини аниқ тавсифлаш имконини ҳам беради. Бунда, албатта, изоҳли ва этимологик, қомусий ва соҳа луғатларининг амалий аҳамияти беқиёс.

Жаҳон ва ўзбек навоийшунослиги соҳасида тилнинг лексик сатҳи тадқиқи доирасида бугунга қадар эришилган илмий ютуқлар Навоий асарлари сўз бойлигини – сўзларнинг лексик-семантик гуруҳлари, ўзлашма сўзлар, иборалар ва лексик бирликлар луғавий маъносига хос семантик силжишлар, ўзаро парадигматик муносабатдаги сўзларнинг бадиий матндаги услубий имкониятларини диахрон аспектда ёритишда назарий жиҳатдан асос бўлиб хизмат қилади.

Янги Ўзбекистон шароитида, давлатчилигимиз тараққиётининг энг муҳим босқичида миллий адабий тилимиз асосчиси, улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий қолдирган улкан адабий ва маънавий меросни ўрганишга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эҳтиёж сезилмоқда. Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “улуғ шоир ўзининг шеърӣй ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги, чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади... Ватанимиз тараққиётининг янги уйғониш даври – Учинчи Ренессанси пойдевори яратилаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда”<sup>1</sup>. Барча даврларда ҳам ўзбек халқининг буюк даҳоси ва ифтихори бўлган Алишер Навоийнинг сўз захираси имкониятлари доирасидаги изланишлар миллий тилимиз тараққиёти энг юқори босқичидаги луғавий ҳолатларни, шунингдек, улуғ шоирнинг ўзбек тилини янги сўз ва маънолар билан бойитиш борасидаги буюк хизматларини, она тилига бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтиромини ёритишга имкон беради, айти пайтда, бу борадаги тизимли изланишлар эҳтиёжи ва

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.10.2020. 07/20/4865/1395-сон.

заруратини ҳам белгилайди. Бугунга қадар навоийшунослик илмида яратилган салмоқли тадқиқотлар муаммонинг тўлиқ ечимини берган деб айта олмаймиз, чунки Навоий сўз бойлигининг улкан миқдори, асарларининг хилма-хиллиги бу йўналишдаги тадқиқотлар узлуксизлигини талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-797-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6084-сон фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон, 2019 йил 4 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-4479-сон, 2020 йил 20 октябрдаги “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-1395-сон ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги “Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 989-сон қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.**

Ўзбек навоийшунослигида XX асрнинг 40-йилларидан бошланган диссертацион тадқиқотлар силсиласи ҳозирга қадар юздан зиёд ишларни қамраб олади. Соҳа тараққиётида В.Абдуллаев, А.Ҳайитметов, С.Ғаниева, А.Қаюмов, Ё.Исҳоқов, И.Ҳаққул, А.Ҳожиаҳмедов, Ш.Сирожиддинов сингари адабиётшунос олимларнинг хизматлари катта.

Навоийшунослик илмида лингвистик йўналишдаги тадқиқотларда шоир асарлари тили тадқиқи доирасида “Муҳокамат ул-луғатайн” асарининг фонетик ва морфологик, шунингдек, насрий асарларидаги содда гапларнинг таркибий ва маъновий, кесим марказли бош бўлакли гапларнинг шаклий ва мазмуний хусусиятлари, шоир ғазаллари қофиясида мантиқ урғусининг берилиши, ғазаллар мақтасида сабаб ва оқибат муносабатининг ифодаланиши масалалари А.Рустамов, У.Санақулов, М.Қ одиров, С.Аширбоев, И.Азимов, Ф.Ҳайитметов, Н.Умарова,

М.Раҳматовлар<sup>2</sup> томонидан тадқиқ этилган. Навоий асарларининг лексик тизими<sup>3</sup> Б.Бафоев, арабизмларнинг фонетик-морфологик ва лексик-семантик таҳлили<sup>4</sup> эса А.Нишонов томонидан ўрганилган. Шунингдек, Навоий насрий асарларининг лексик-стилистик хусусиятлари (Х.Мамадов<sup>5</sup>), синонимлар масаласи (М.Раҳматуллаева<sup>6</sup>), фразеологизмларнинг лексик-грамматик тадқиқи (Э.Умаров<sup>7</sup>), “Фарҳод ва Ширин” достони тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари (А.Каримов<sup>8</sup>), зоонимларнинг услубий хусусиятлари (Б.Зарипов<sup>9</sup>), шоир асарлари тилидаги қадимги туркий лексика (Ш.Эгамова<sup>10</sup>), “Мажолисун-нафоис” асаридаги ижтимоий-сиёсий лексика (З.Исақова<sup>11</sup>), “Илк девон”даги арабча сўзларнинг лексик-семантик талқини (М.Тожибоева<sup>12</sup>), тарихий асарлари лексикаси (Д.Абдувалиева<sup>13</sup>)га доир диссертациялар ҳам тадқиқотимиз мавзуси доирасида бажарилган бўлиб, улар ҳозиргача мавзунинг навоийшунослик предмети сифатида танланмаганлигини тасдиқлайди.

Бугунга қадар Алишер Навоий ғазаллари М.Акбарова, Ф.Ҳайитметов, С.Сотиболдиева, Н.Бозорова, Н.Умарова, С.Ўтановалар<sup>14</sup> томонидан тадқиқот объекти сифатида танланган.

<sup>2</sup> Рустамов А. Навоий тилининг фонетик ва морфологик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 1966; Санақулов У. Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғутайн” асарининг тили (Фонетика ва морфология): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1971; Қодиров М. Функционирование падежных форм в языке прозы Алишера Навои: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1978; Аширбоев С. Алишер Навоий насрий асарларидаги содда гапларнинг таркибий ва маъно хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 1990; Азимов И. Алишер Навоийнинг насрий асарларида кесим марказли бош бўлакли гапларнинг шаклий ва мазмуний хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2001; Ҳайитметов Ф. Алишер Навоий ғазаллари қофиясида мантиқ урғусининг берилиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1998; Умарова Н. Алишер Навоий ғазаллари мактасида сабаб ва оқибат муносабатининг ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Фарғона, 2005; Раҳматов М. Алишер Навоийнинг насрий асарларида эргаштирувчи боғловчи гапларнинг синтактик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008.

<sup>3</sup> Бафоев Б. Алишер Навоий асарлари лексикаси (Лексик-семантик, статик ва тематик тадқиқот) (Лексика произведений Алишера Навои (лексико-семантические, статические и тематические исследования): Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 1989

<sup>4</sup> Нишонов А. Навоий тилидаги арабизмларнинг фонетик-морфологик ва лексик-семантик таҳлили (Фонетико-морфологический и лексико-семантический анализ арабизмов языка Навои): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1990.

<sup>5</sup> Мамадов Х. Алишер Навоий насрий асарларининг лексик-стилистик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1969.

<sup>6</sup> Раҳматуллаева М. К вопросу изучения синонимов в языке Алишера Навои (на материале “Наводирун нихоя”): АҚД. – Ташкент, 1965.

<sup>7</sup> Умаров Э.А. Алишер Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний ” девонидаги фразеологизмларнинг лексик-грамматик тавсифи: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1978.

<sup>8</sup> Каримов А. Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин ” достони тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари: Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Тошкент, 1973.

<sup>9</sup> Зарипов Б. Зоонимларнинг бадиий санъат турларини ҳосил қилишдаги иштироки (Алишер Навоий асарлари асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2002

<sup>10</sup> Эгамова Ш. Алишер Навоий асарлари тилидаги қадимги туркий лексика тадқиқи (структур-грамматик, функционал-семантик аспектларда): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2007

<sup>11</sup> Исақова З. Алишер Навоийнинг “Мажолисун-нафоис” асаридаги ижтимоий-сиёсий лексика: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2010.

<sup>12</sup> Тожибоева М. Алишер Навоийнинг “Илк девон” идаги арабча сўзларнинг лексик-семантик талқини: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2011;

<sup>13</sup> Абдувалиева Д. Навоий тарихий асарлари лексикаси: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2017.

<sup>14</sup> Акбарова М. Алишер Навоий ғазалларида қофия: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1997; Ҳайитметов Ф. Алишер Навоий ғазаллари қофиясида мантиқ урғусининг берилиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1998; Сотиболдиева С. Фоний ғазалларининг бадиияти: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2001; Бозорова Н. Алишер Навоий ғазалларида кўнғил образи: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2002; Умарова Н. Алишер Навоий ғазаллари мактасида сабаб ва оқибат муносабатининг ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Фарғона, 2005; Ўтанова С. Алишер Навоий ғазалиётида ранг символикаси: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2007. – 138 б.

Навоий асарлари тилининг лингвистик тадқиқи ва мавзу доирасидаги илмий манбалар юқорида қайд этилганлардан иборат. Навоийшунослик илмидаги лингвистик изланишларда шоир ғазалларининг лексик-семантик хусусиятлари илк бор тадқиқ этилмоқда.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Фарғона давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг “Алишер Навоий асарларининг лингвистик тадқиқи” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Навоий асарларининг лексик-семантик хусусиятларини “Ҳазойин ул-маоний” девонидаги ғазаллари асосида тадқиқ этиш орқали эски ўзбек тили босқичидаги луғавий бирликларнинг семантик тараққиётини ёритиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Тадқиқот ишида қуйидаги вазифалар белгиланди:

навоийшуносликда лингвистик аспектда бажарилган тадқиқотларнинг ютуқларини эътироф этиш, шоир ғазалларида қўлланган лексик бирликларнинг луғавий хусусиятларини сўзларнинг маъновий ва шаклий муносабатлари асосида ёритиш;

шоирнинг сўз ўзлаштириш имкониятлари билан боғлиқ масалаларни ғазалларда қўлланган ўзлашма сўзлар доирасида арабча ва форсча сўзларнинг семантик таснифи ҳамда тавсифи асосида далиллаш;

ғазалларда қўлланган ибораларнинг ғазал семантикасидаги ўрни ва услубий хусусиятларини аниқлаш ҳамда таҳлил қилиш;

Навоий ғазалларида қўлланган полисемантик бирликлар ва уларнинг семантик таркибидаги ўзгаришларни аниқлаш;

ғазалларда қўлланган фаол луғавий бирликларни парадигматик муносабатлар асосида ўрганиш, ғазаллардаги наботот ва ҳайвонот номларининг ижодкор бадий тафаккурини ифодалашдаги семантик, вазифавий ва услубий хусусиятларини очиб бериш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Алишер Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний” куллиётидаги “Ғаройиб ус-сиғар”, “Наводир уш-шабоб”, “Бадоеъ ул-васат”, “Фавойид ул-кибар” девонларига мансуб ғазаллар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** “Ҳазойин ул-маоний” девонидаги ғазалларнинг лексик-семантик ҳамда услубий жиҳатларини таҳлил этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда компонент таҳлил, тавсифлаш, таснифлаш, қиёсий-тарихий, стилистик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Навоий ғазалиёти лексик тизими доирасида лексемаларнинг тарихий полисемантик хусусиятлари ёритилиб, ғазалларда луғавий бирликларнинг шаклий ва маъновий муносабатлари (синоним, антоним ва омонимлар)га оид лисоний компрессиянинг асимметрик ва семантик хусусиятлари очиб берилган;



шоир ғазалларида қўлланган арабча ва форсча ўзлашмалар семантикаси, уларнинг қўлланиш частотаси, ғазал матнида ўзлашмалар миқдорининг ғазал қофияси ва радифига боғлиқлиги аниқланган;

миллий тил тарихий лексиконидаги янги сўз ва тушунчаларнинг пайдо бўлиш динамикаси, эски ўзбек тилининг лексик тизимида юз берган ўзгаришлар, мумтоз шеърини матнда қўлланилган луғавий бирликлар ва уларда маънонинг воқеланиш жараёнига хос лисоний қонуниятлар метафора, метонимия, синекдоха, тобелилик сингари ҳосила маънолар доирасида ёритилган, шунингдек, фразеологизмларнинг маъновий ва даражаланиш хусусияти ҳамда ғазал мазмунини шакллантиришдаги ўрни исботланган;

Навоий ғазалларида қўлланган наботот ва ҳайвонот номлари парадигматик муносабатлари асосида уларнинг бадий нутқни шакллантиришдаги услубий-семантик имкониятлари ёритилиб, қўлланиш частотасига кўра қиёсланган ҳамда ғазалларда *гул*, *қум*, *булбул* каби фаол лексемаларнинг бадий матндаги этимологик ва функционал хусусиятлари далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

луғавий бирликларнинг полисемантик хусусиятлари асосида шоир ғазалларида метафора, метонимия, синекдоха, тобелилик каби кўчимларнинг юзага келиши, ўзлашма сўзларнинг семантик ва услубий хусусиятлари, уларнинг Навоий тилида қўлланиш тамойиллари таҳлил қилинган;

эски ўзбек тили луғат фондида янги сўз ва маънолар пайдо бўлишининг лисоний ҳамда бадий тамойиллари, бу давр лексик тизимининг тараққиёти, бадий нутқда луғавий бирликларнинг функционал хусусиятлари ёритилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** танланган мисоллар таҳлиliga диахрон асосда ёндашилганлиги, фойдаланилган лингвистик методларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга изчил асосланганлиги, фойдаланилган бадий манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, эришилган илмий натижаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, назарий фикрлар ва уларга муносабат билдирилиши тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертация натижалари, хусусан, Навоий ғазалларининг лексик-семантик хусусиятлари доирасида тилининг диахрон аспектдаги полисемия муаммолари, лексик-семантик гуруҳлар, лексик парадигмалар, фаол луғавий бирликларнинг семантик ва функционал хусусиятлари, ўзлашма сўзлар ва уларнинг ғазалларда қўлланиш тамойиллари билан боғлиқ назарий қарашлар навоийшунослик ривожига муайян даражада ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти хулосалар ва тадқиқот материалларидан олийгоҳларнинг ўзбек филологияси йўналишларида ўзбек тили тарихи, лексикология, семасиология, услубшунослик, назарий тилшунослик, лингвокультурология фанлари бўйича маъруза ва семинарлар, махсус курсларни ишлаб чиқишда, ташкил этишда, шунингдек, диссертациялар, монографиялар, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаш, махсус луғатларни тузишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқотнинг назарий тақлифлари, амалий тавсиялари ва хулосалари қуйидагиларга татбиқ этилган:

Навоий ғазалиёти лексик тизими доирасида лексемаларнинг тарихий полисемантик хусусиятлари ёритилиб, ғазалларда луғавий бирликларнинг шаклий ва маъновий муносабатлари (синоним, антоним ва омонимлар)га оид лисоний компрессиянинг асимметрик ва семантик хусусиятлари ҳақидаги хулосалардан ФА-А1-Г004 – “Қорақалпоқлар тасавурида аёл тимсоли: этнологик тадқиқотлар” номли амалий тадқиқот лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2022 йил 25 январдаги 17.01/18-сон маълумотномаси). Натижада шоир ғазалларидаги ёр тимсолининг бадиий талқинлари доирасидаги илмий қарашлар лойиҳа ишини такомиллаштиришга хизмат қилган;

шоир ғазалларида қўлланган арабча ва форсча ўзлашмалар семантикаси, уларнинг қўлланиш частотаси, ғазал матнида ўзлашмалар миқдорининг ғазал қофияси ва радифига боғлиқлиги ҳамда фразеологизмларнинг маъновий ва даражаланиш хусусиятларига кўра фарқи, ғазал мазмунини шакллантиришдаги ўрни ҳақидаги хулосалардан ФА-Ф1-Г003 “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2022 йил 25 январдаги 17.01/17-сон маълумотномаси). Натижада эски ўзбек тилига оид сўз ясалиши функционал хусусиятлари ва лексемаларнинг семантик тараққиёти ҳақидаги хулоса ҳамда тавсиялар асосида лойиҳа назарий жиҳатдан бойитилган;

миллий тил тарихий лексиконидаги янги сўз ва тушунчаларнинг пайдо бўлиш динамикаси, эски ўзбек тилининг лексик тизимида юз берган ўзгаришлар, мумтоз шеърӣ матнда қўлланилган луғавий бирликлар ва уларда маънонинг воқеланиш жараёнига хос лисоний қонуниятлар метафора, метонимия, синекдоха, тобелилик сингари ҳосила маънолар доирасида ёритилган, шунингдек, фразеологизмларнинг маъновий ва даражаланиш хусусияти ҳамда ғазал мазмунини шакллантиришдаги ўрни борасидаги хулосалардан “Прагмалингвистика асослари” номли дарсликнинг “Тилшуносликнинг қиёсий-тарихий, систем-структур ва антропоцентрик илмий парадигмалари”, “Прагматиканинг семиотик илдизлари” мавзуларини ёритишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сон буйруғига асосан 418-043- рақамли рухсатномаси). Натижада тилнинг тарихий тараққиётида лексемаларнинг семантик ва прагматик хусусиятлари, маънонинг воқеланиш жараёнига хос лисоний қонуниятлар, уларнинг ғазал мазмунини шакллантиришдаги ўрни тўғрисидаги нуқтаи назарлардан дарсликни назарий ва амалий жиҳатдан бойитишда фойдаланилган;

Навоий ғазалларида қўлланган наботот ва ҳайвонот номлари парадигматик муносабатлари асосида уларнинг бадиий нутқни шакллантиришдаги услубий-семантик имкониятлари ёритилиб, қўлланиш частотасига кўра қиёсланган ҳамда ғазалларда *гул*, *қуш*, *булбул* каби фаол лексемаларнинг бадиий матндаги этимологик ва функционал хусусиятлари юзасидан берилган илмий хулоса ва тавсиялардан

“Матн тилшунослиги” дарслигида кенг фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сон буйруғига асосан 237-317-рақамли рухсатнома). Натижада мумтоз матн таҳлили доирасида келтирилган илмий маълумотлар дарсликнинг илмий-назарий жиҳатдан мукаммалашуви учун муҳим манба бўлиб хизмат қилган;

Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” ғазалларида сўзларнинг шакл ва маъно муносабатга кўра турлари (синоним, антоним ва омонимлар), ўзлашма сўзларнинг семантик, услубий-функционал хусусиятларига доир хулосалардан Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг 2019-2020 йилларда эфирга узатилган “Маънавият сарчашмаси”, “Абадий муҳит”, “Қадрият” кўрсатувларида, шунингдек, “Маънавият – қалб кўзгуси” радиоэшиттиришлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг 2022 йил 14 январдаги 13-сон маълумотномаси). Натижада мазкур кўрсатув ва эшиттиришлар маънавий-маърифий ҳамда миллий жиҳатдан бойиган, халқчиллиги ортган.

**Тадқиқот натижаларнинг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжуман ва 3 та халқаро конференцияда маъруза шаклида баён этилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та, хорижий журналларда 2 та мақола чоп этилган.

**Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 146 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг назарий асослари ва Алишер Навоий ғазалларида лексик бирликларнинг луғавий хусусиятлари”** деб номланган биринчи боби навоийшуносликнинг лингвистик асослари, шоир ғазалларида сўзларнинг маъновий ва шаклий муносабати, синоним ва антоним бирликларнинг семантик хусусиятлари, омоним бирликлар тадқиқи масаласига бағишланган. Бобнинг “Навоийшуносликнинг лингвистик асослари” фаслида шоир асарларининг лингвистик тадқиқи доирасидаги ишлар таҳлилга тортилган.

Мустақилликдан кейин шоир асарларини ўрганишга эътибор янада кучайди. Хусусан, Навоий девонлари, ғазаллари бадиияти ва ундаги жанрлар тадқиқи “Бадоеъ ул-бидоя” девони, кексалик лирикаси, ғазалларда қофия, қофияда мантик

урғусининг берилиши, Фоний ғазаллари, ғазалларда кўнгил образи, ҳамд ғазаллари ва “Рух ул-қудс” қасидаси, ғазал мақтасида сабаб ва оқибат муносабатининг ифодаланиши, ғазалиётда тасаввуфий тимсол ва бадий санъатлар уйғунлиги, ранглар рамзи, шоир шеъриятида ҳасби ҳол, самовий тимсоллар, ижодкор поэтик услуби такомилли, “Назм ул-жавоҳир” асари манбалари, шоир лирикасида воқелик ва унинг поэтик талқинлари, зоонимлар услубияти доирасида Д.Салоҳутдинова, Ҳ.Жўраев, М.Акбарова, Г.Раҳимова, Ф.Ҳайитметов, Ҳ.Эшонқулов, Д.Салоҳий, С.Сотиболдиева, Б.Зарипов, Н.Бозорова, Н.Бекова, Н.Умарова, К.Муллахўжаева, М.Ражабова, С.Ўтанова, Ҳ.Жўраевларнинг тадқиқотлари майдонга келди.

Диссертацияда Алишер Навоий асарларининг лингвистик тадқиқи доирасида А.Рустамов, Б.Бафоев, Ҳ.Мамадов, У.Санақулов И.Носиров, М.Юсупов, А.Нишон, С.Аширбоев, И.Азимов, Б.Зарипов, Т.Юлдашев, Н.Умарова, Ш.Эгамова, М.Раҳматов, З.Исақова, М.Тожибоева, Ў.Исламовларнинг тадқиқотлари таҳлил этилган.

Бобнинг “Навоий ғазалларида сўзларнинг маъновий ва шаклий муносабатлари” деб номланган 2-фаслида ғазалларда қўлланган синоним, антоним ва омоним бирликлар, уларнинг ғазал семантикасидаги ўзига хос ўрни очиқ берилган.

Ўзбек тили тарихий лексикологиясининг бош мақсади ўзбек тили лексик таркиби тараққиётининг қандай бошланганини, қандай тарихий босқичларни босиб ўтганлигини аниқлаш, алоҳида сўзлар ёки сўз гуруҳлари ва сўз категориялари пайдо бўлиши тадрижий жараёнларини белгилаш, нима сабабдан муайян сўзлар ўз ташқи шакллари ва маъноларини сезиларли ўзгаришларсиз сақлаб қолганлигини, бошқалари эса ҳам шакл, ҳам маъно нуқтаи назаридан ўзгариб кетганлигини тушунтириб бериш, ўзбек тили луғат таркибининг ички тараққиёт қонунларини тадқиқ этиш ва ўрганишдан иборат. Тилнинг лексик тараққиёти омилларини белгилашда сўзнинг маъно томонини, маъновий муносабатларини ўрганиш жуда муҳим ҳисобланади.

Алишер Навоий асарлари тилини ўрганиш орқали миллий тилнинг раванг топган олтин даври – эски ўзбек адабий тили босқичи такомилли ва ўзбек тили тараққиётидаги барча ҳолатлар юзасидан аниқ хулосалар чиқариш имкони бўлади.

Маълумки, синоним бирликлар ҳар бир тилда мавжуд. Уларнинг сони ва синонимик қаторлари диахроник ҳамда синхроник тадқиқотларда турлича. Давр ўтиши билан айрим сўзлардаги маъно ўзгариши ( маънонинг торайиши, кенгайиши, бошқа контекстуал маъноларда келиши) синоним сўзлар ва синонимик қаторлар сонининг кўпайиши ёки камайишига олиб келади. А.Ҳожиев синонимлар тилнинг ифода имкониятларини кенгайтириш вазифасига бўйсунган ҳолда сўзлардаги маъновий бир хиллик ва улар устига юкланган ҳар хилликлар асосида юзага келишини таъкидлайди<sup>15</sup>. Тилда бир маънони ифодалаш учун бир нечта сўзнинг мавжудлиги синонимларнинг бир-бирига ҳар жиҳатдан тўла мос келмаслигини, улардан ҳар бири ўзига хос белги-хусусиятларга эгаллигини кўрсатади.

Ўзбек тилшунослигида синонимлар таснифи турли ёндашувлар асосида амалга оширилган. Семантик хусусиятига кўра: а) барқарор; б) ўзгарувчан;

<sup>15</sup> Ҳожиев А. Ўша асар. – Б. 114-115.

тузилишига кўра: а) содда; б) бирикмали; в) маъно жиҳатидан яқин ва бирлашиб кетган; г) эквивалент синонимлар<sup>16</sup>; ўзаро фарқига кўра:<sup>17</sup> а) эмоционал-экспрессив бўёққа кўра; б) услубга кўра; в) адабий тил муносабатига кўра; г) маънони даражалашга кўра фарқланувчи синонимлар гуруҳларидан иборат.

Нутқда синонимлардан фойдаланиш ўринсиз такрорларнинг олдини олишда, бадиий матнда эстетик таъсирчанликни оширишда ҳамда янги маъно-муносабатни вужудга келтиришда алоҳида аҳамиятга эга. Синонимик қаторларда, одатда, жуфтликлар бир сўз туркуми доирасида танланади. Синонимлар ва синонимик қаторларнинг сони ҳам туркумлар бўйича бир хил бўлмайди, жумладан, лексик маъно табиатига кўра, от туркумига доир синонимик қаторлар бошқа туркумларга нисбатан кўп учрайди. Масалан: *Гар малак тасбиҳи дона, хур зулфи дом эрур // Ким, бу дому донага зийрак қуш эрсанг, бўлма ром. (ФС, 428-г., 239-б.)* “Тасаввуфда маъшукани фаришта хислатли, малаксиймо, паризод, парипайкар деб тавсифлайдилар. Бу ҳам поклик ва нозикликка ишорадир, яъни таъб нозиклиги, сўз ва ифода нозиклиги, завқ ва идрок нозиклиги, феълнинг юмшоқ ва латиф бўлиши қалбнинг поклигидан нишонлардир”<sup>18</sup>.

Ғазалларда содда ва кўшма феъллардан тузилган синонимик қаторларда кўшма феълларнинг биринчи ёки иккинчи компоненти бошқа тилдан ўзлашган феъллардан танланади: *раҳм этмак – тараҳҳум айламак: Элга раҳм этман, уқубатлар била қатл айласанг // Ўз-ўзумга маҳзи ҳирмондин тараҳҳум айларам. (ФС, 430-г., 451-б.); таҳорат қилмак – таяммум айламак: ... Баҳру барда гар таҳорат, гар таяммум айларам. (ФС, 430-г., 451-б.)*

Ҳар бир адабий тилнинг бошқа тиллар билан турли алоқалари натижасида улардан сўз ўзлаштирилиши қабул қилувчи тил луғат таркибини бойитишнинг бир усули бўлиб, худди шу восита орқали синонимик қаторларнинг, улардаги сўзларнинг сони ортиб боради. Навоий асарлари тилида қўлланилган маънодош сўзлар жуда катта сонли синонимик уяларни ташкил этади.

Тадқиқотда “Фавойид ул-кибар” девонидаги дастлабки 15 та ғазал таҳлили асосида қуйидаги синонимик қаторлар аниқланди:

1-ғазалда *меъмори сунъ-соний(1), алам-ано(2), азёр-беғоналиг(3), журму гунаҳ(4), ўрта-куйдур(5)* каби синонимик қаторлар мавжуд. **Меъмори сунъ-соний** (*соний* – ишловчи, ясовчи; яратувчи: АНАИЛ, 3-жилд, 105-б.); **хайрул башар-жинси башар** [*Чунким демии хайрул башар ул ерда лоухси сано // Жинси башар йўқ огаҳинг, хуришид хоки даргаҳинг (ФК, 1-г., 6-б.); АНАИЛнинг 4-жилдида башар сўзи билан боғлиқ бирикмалар таркибида хайрул башар ифодаси учрамади, балки хайли башар шаклидаги ифода учради. Луғатда хайли башар ҳам жинси башар каби `инсоният, одам авлоди`, `инсон жамий` тарзида изоҳланган: АНАИЛ, 4-жилд, 232-б.]; **алам-ано** [Сенсиз манга матлуб эрур танда алам, жонда ано (ФК, 1-г., 6-б.); **ано** – II.1. қийинчилик, машаққат, азоб; ранж: АНАИЛ, 1-жилд, 102-б.]; **журму гунаҳ** (*Журму гунаҳлардин ўтуб, келтурма юзга қўрқутуб // Лола агар согар тутуб, мусича гар қилмиши зино. (ФК, 1-г., 6-б.)*]*

<sup>16</sup> Фахри Камол. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 1966. – Б. 79-80.

<sup>17</sup> Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – Б.116.

<sup>18</sup> Комилов Н.Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2009. – Б. 285.

2-ғазалда *равшан-зиё(6), гам-дард(7), (бу) фигон-(бу) наво(8), йўл-тариқ-рах(9)* сингари синонимик қаторлар мавжуд. *Бир зарра оғзи рамзини ҳар кимки англади // Йўли адам тариқидуру, зоди раҳ – фано. (ФК, 2-з., 7-б.)*

3-ғазалда *дур-гавҳар(9), саргашта-овора(10), махфий-пинҳон(11)* каби синонимик қаторлар аниқланди.

4-ғазалдаги синонимик қаторлар *журму исён(12), жилва-завоё(13), шафоатгарилик-хайрул бароё(14), атоё-ҳадя-эхсон(15)* кабилардан иборат. Синонимик қатордаги айрим сўзларни таҳлил қиламиз. **Шафоатгарилик-хайрул бароё** [Гунаҳбахши сен бўлгилу журмнўи // Шафоатгарилик хайрул бароё (ФК, 4-з., 9-б.); шафоатгарилик / шафоатгир – ислоҳ қилувчи, ўртага кирувчи; воситачи/воситачилик: АНАИЛ, 3-жилд, 510-б.; хайрул-бароё – одамларнинг энг яхшиси: АНАИЛ, 3-жилд, 373-б.]; **атоё** [Ангаким атоё, тилар сендин эҳсон // Наво истаганларга сендин атоё (ФК, 4-з., 9-б.); атоё – бахшишлар, тухфалар, ҳадялар: АНАИЛ, 1-жилд, 135-б.].

5-ғазалда *усрук-махмур(16), ҳамқадам-гом(17)* синонимлари учрайди. *Гом [Гармравларга агар ҳамқадам ўлмоққа ҳадим йўқ // Ҳам аларнинг сўнгича ургали бир гом таманно (ФК, 5-з.); гом – 1.одим, қадам, юриш: АНАИЛ, 1-жилд, 406-б.].*

6-ғазалдаги синонимик қаторлар *офоқ-күёш(18), кўрунмай-иткай(19), миллат-уммат(20) қоба қавсайн-қош-ё(21)* дан иборат. **Қоба қавсайн** [қоба қавсайн (ав адно) – икки қавс (камон) масофада ёки (ундан ҳам) яқинроқ: АНАИЛ, 4-жилд, 266-б.; Навоий нетар қоба қавсайн, агар // Топа олса қошинг кеби икки ё (ФК, 6-ғ.); **миллат-уммат** [Сенинг миллатингдин чу топиб шараф // Санга уммат ўлмағни истаб русул (ФК, 6-ғ.).]

7-ғазалдаги синонимик қаторлар *шаръи-куфр(22), хор-паст-хас(23), раҳмат-шафоат(24), иззу ало(25)* кабилардир. *Иззу ало* синонимик қаторини таҳлил қилиб кўрайлик: **иззу ало** [изз – куч-қудрат; иззат, шараф; қиймат: АНАИЛ, 2-жилд, 17-б.; ало II юксаклик, олий даража: АНАИЛ, 1-жилд, 80-б.: ... Сенинг йўлунгда эса, бас, анга бу иззу ало (ФК, 7-ғ.).]

8-ғазалда шоир *одам-киши-инсон-банда(26), оғзи/тили(да)-нутқ(27), худой-ҳақ(28), залолат-разолат(29)* каби синонимик қаторларни кўллаган. **Залолат-разолат** [залолат – хорлик, пастлик, ҳақирлик, тубанлик; гумроҳлик, йўлдан озганлик: АНАИЛ, 1-жилд, 612-б.; разолат – пастлик, тубанлик, айб иш: АНАИЛ, 2-жилд, 599-б.]; *Дегил: фасодда мундин етар залолат анга // Бўлур чу бандаси, боис эрур разолат анга (ФК, 8-з.).*

10-ғазалда биргина синонимик қатор аниқланди: *хур-парий-пайкар.*

13-ғазалдаги синоним жуфтликлар *ақлу фаҳму дониш(30), қарор-ихтиёр-жазм(31), ватан-эл(32)* иборат. [Қочиб адамга борай ақлу фаҳму донишдин // Ватан боринда бу ёт эл аро не бор манга (ФК, 13-з.)]

14-ғазалдаги синонимик қатор: *табассум этмак-кулмак (33).*

11-, 12-, 15-ғазалларда синонимик қаторлар учрамади.

Ҳар бир сўз пайдо бўлишига кўра, борлиқдаги нарса-ходисани, унинг белгиси, миқдорини, ҳолати ва ҳаракатини номлайди. Синонимия ҳодисаси кенг маънода номлаш билан боғлиқ ҳолда вужудга келади.

Оламдаги барча нарсалар ўз зиддига эга бўлиб, зиддият аъзолари киши онгида бир жуфт ҳолида туради, яъни бир тушунчанинг фақат битта зидди бўлади: *яхишининг ёмондан, баланднинг пастдан* бошқа зидди йўқ.

Зидланувчи ифодалар натижасида нутқнинг таъсирчанлиги ортади, баён қилинаётган умумий фикрга нисбатан реципиентнинг қизиқиши кучаяди. Ғазалларда зиддият қуйидаги бирликлар воситасида ифодаланади:

**а) сўзлар зиддияти:** *беҳишт – дўзах, эгрилик – туз* каби. ... *Беҳишт* ичинда *лиқо* бўлмаса эрур *дўзах* (ҒС, 108-з., 72-б.);

**б) сўз бирикмалари зиддияти:** *ширин лаб – аччиғ сўз, аччиғ йиғлатур – шаккар ханд. Ғариб келмади ширин лабингга аччиғ сўз ...* (ҒС, 108-з.)

**в) форсий изофалар зиддияти:** *субҳи васл – шоми ҳажр* (ҒС, 332-з., 353-б.); *майи васл – захри ҳижрон* (ҒС, 95-з., 116-б.);

**г) фразема / иборалар зиддияти:** *жон олмак – жон бермак* (ҒС, 343-з., 364-б.);

**д) гап / жумлалар зиддияти:** *Мен жаҳондин кечтим-у, кечмас менинг жонимдин эл // Мен илик жондин юдум, чекмас илик қонимдин эл.* (ҒС, 370-з., 391-б.)

Ғазалларда зиддият туркийча, арабча ва форсча-тожикча сўзлар воситасида ифодаланган.

### 1. Ғазалларда туркий сўзлар антонимлиги.

*Замон эли гар урушсуну гар ярашсунлар,*

*Ки не урушим алар бирла бору не ярашим.* (ҒС, 396-з., 417-б.)

Юқоридаги байтда *урушсун* ва *ярашсун*, *урушим* ва *ярашим* каби лексемалар ўзаро қарама-қарши қўйилган бўлиб, биринчи мисрада буйруқ майлининг 3-шахс бирлик шаклидаги *урушсун* ва *ярашсун* феъллари зиддият аъзолари саналади. Иккинчи мисрада ҳам биринчи мисрадаги феъллар зиддияти кузатилади, бироқ бу қарама-қаршилиқ биринчи мисрадаги каби зиддият даражасида эмас. Кейинги мисрада зиддият кучсизланган, чунки *урушим* ва *ярашим* феъллари инфинитив шаклда қатъий ҳаракат тушунчасига эга эмас ва бу **-им** эгалик қўшимчаси семантикасига ҳам боғлиқ бўлади.

**2. Ғазалларда арабча сўзлар антонимлиги:** *Ки бўлди куфр имон бирла мамзуж* (ҒС, 95-з., 116-б.). Бу ўринда маъшуқа юзига *куфр*, зулфига *имон* тушунчалари нисбат берилмоқда. Ғазалларда арабча луғавий бирликлар асосида шаклланган антоним жуфтликлар кўп учрайди. Жумладан: *куфр-имон* (ҒС, 95-з., 116-б.); *ҳажр-васл* (ҒС, 76-з., 97-б.); *жаннат-дўзах* (ҒС, 8-з., 29-б.); *ботин-зоҳир* (ҒС, 129-з., 150-б.); *фироқ-висол* (ҒС, 465-з., 470-б.); *тасбиҳ-зуннор* (ҒС, 600-з., 621-б.)

**3. Ғазалларда форсий луғавий бирликлар воситасида юзага чиққан антоним жуфтликларга** *шаҳ-дарвеш* (ҒС, 453-з., 474-б.); *дўст-душман* (ҒС, 424-з., 445-б.); *шоҳ-гадо* (ҒС, 293-з., 314-б.); *хазон-бахор* (ҒС, 262-з., 283-б.); *кофур-мушк* (ҒС, 164-з., 185-б.); *паст-тул* (ҒС, 374-з., 395-б.) каби лексемаларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Навоий ҳар доим зид тушунчани ифодаловчи сўзларни бир тил бирликлари доирасида ҳосил қилмасдан, баъзан туркий сўзни форсий сўзга, арабча сўзни форсча-тожикча сўзга зид қўяди. “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги ғазаллар мисолида

икки тил жуфтликлари зиддиятини қуйидагича кўрсатиш мумкин: **а) туркий ва форсий сўзлар зиддияти:** ўт<sup>т</sup>-ях<sup>ф</sup>, чучук<sup>т</sup>-талх<sup>ф</sup>, соғ<sup>т</sup>-бемор<sup>ф</sup>, тийра<sup>ф</sup>-ёруғ<sup>т</sup>, шах<sup>ф</sup>-кул<sup>т</sup>; **б) арабча ва форсча сўзлар зиддияти:** кисват<sup>а</sup>-зарбафт<sup>ф</sup>, зоҳир<sup>а</sup>-нихон<sup>ф</sup>, шўхлуғ<sup>ф-т</sup>-адаб<sup>а</sup>, беҳишт<sup>ф</sup> – дўзах<sup>а</sup>, шабона<sup>ф</sup> –сахар<sup>а</sup> ва ҳ.к. (Диссертациядаги 2-жадвал).

Шоирнинг “Фавойид ул-кибар” девонидаги дастлабки 15 та ғазал таҳлили асосида қуйидаги антоним жуфтликларни аниқлашга эришдик:

1-ғазалда: *лутфунг кунӣ-қаҳринг тунӣ(1), фақр аҳли-аҳли гино(2), фақр-гино(3), азёр-ошино(4)*; 2-ғазалда йўк; 3-ғазалда: *хориж қилмак-насиб айламак (5), рад айламак-қабул айламак (6), қабулу рад(7)*; 4-ғазалда: *қўйгунгму-чиқаргунгму(8)*; 5-ғазалда: *шоҳ-гадо(9), майи васлинг-фурқатинг ўти(10), тун-кун(11), нуру зулмат(12), субҳу шом(13)*; 6-ғазалда: *сиддику аҳли риё(14)*; 7-ғазалда: *фирдавс-чаҳи вайл(15), халоу мало(16)*. Халоу мало [халоу мало – бўшлиғу тўлалик; ҳамма вақт, доим: АНАИЛ, 3-жилд, 374-б.; Ки, бори сенсиз эмас суҳбатим халоу мало (ФК, 7-ғ.)]; 8-ғазалда: *малолат-завқ(17), зулм-адолат(18)*; 9-ғазалда: *жон олмоқ – жон бермоқ (19)* [Лаълинг оллида чекар эл жонини олғач кўзунг, // Ваҳ, не шарбатдур лабингим, жон берур бемор анга (ФК, 9-ғ.)]; 10-ғазалда йўк; 11-ғазалда: *ноумид-уммид(20), сан-ман(21)* [Шукр эрур, эй кўзки, ҳар ўқким отар ул қоши ё // Ё сангадур, ё бағирға, ё кўнгулга, ё манга (ФК, 11-ғ.)]; 12-ғазалда: *тириклик-ўлмак(22), вафо-жавр(23)*; 13-ғазалда: *висол давлати-ҳажр гуссаси(24)* (метафоралар асосидаги зиддият); 14- ва 15-ғазалда антонимлар қўлланмаган.

Ғазаллардаги антонимлар таҳлили яна шуни кўрсатдики, шоир байтларда сўзлар зиддиятига эмас, балки фикрлар зиддиятига кенг ўрин беради. Айрим ўринларда фикрий қаршилангириш антонимлар орқали воқеланади.

Омонимия бир хил шаклдаги тил бирликларининг маъно жиҳатдан фарқ қилишидир. У тарихий равишда полисемия, сўз ва унинг шаклланиш жараёнлари парчаланиши орқали ривожланади. “Омонимлар ҳам синоним, антоним сўзлар каби тилда маълум бир тизимни ташкил этувчи лексик-семантик категория ҳисобланиб, бадий матнда улардан алоҳида поэтик фаоллашув воситаси сифатида фойдаланилади”<sup>19</sup>.

Навоий омонимлар ва уларнинг шеърятдаги ўрни ҳақида ўзининг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида шундай фикрларни баён қилади: “... *форсидин кўпроқ тажнис омиз лафз ва ийҳом ангез нукта борки, назмга мужсиби зеб ва зийнат боиси такаллуф ва санъатдур. Масалан: от лафзики, бир маъниси аламдур, яна бир маъниси марқабдур ва яна бир маъниси амрдурки, тошни ё ўқни от, деб буюргайлар*”<sup>20</sup>.

Муаллиф “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида *ит, туш, ёқ* каби омоним сўзларнинг 3 та шаклдошлари; *бор, согин* сўзларининг 5та маъноси; *туз ва кўк* омонимлари ва улар англатган маънолар ҳақида шундай дейди: “*Бу навъ алфоз ҳамки, уч маъни ва тўрт маъни ва ортузроқким ирода қилса бўлғай, кўп борки,*

<sup>19</sup> Абдувалиева Д. Навоий тарихий асарлари лексикаси: Филол. фан. номз. ... дисс. –Тошкент, 2017. – Б. 109.

<sup>20</sup> Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Муҳокамат ул-луғатайн. III том. – Тошкент: ЎДН, 1948. – 182 б.



форсий алфозда андоқ йўқтур”.<sup>21</sup> Асарда *согин* сўзининг маъноси куйидагича изоҳланади: “Ва андоқ лафз топилурки, беш маъноси бўлғай, *согин* лафзидекки, бир маъноси “ёд қилмоққа амр”дур ва бири “сутлук қўй оти”дур ва “ишқ масти” ва “мажнуни” ва “бемори” муқобаласида *согин* деса, ҳар бирига итлоқ қилса бўлур”<sup>22</sup>.

Маълумки, ҳозирги ўзбек тилида омонимлик иккита, кўпи билан бешта сўздан ташкил топади. Демак, ҳозирги тилимиздаги ҳолат Алишер Навоий қўллаган омоним сўзлардаги кабидир. Дастлабки туркий омонимлар миқдорини профессор М.Миртожиев қирғиз тилида 53 та, ҳозирги ўзбек тилида эса 51 та эканлигини таъкидлайди<sup>23</sup>.

Шоир куйидаги байтда туркий омонимлардан *қўй* ва *ол* сўзларини қўллаб, шаклдошлик асосида ифодада сўз ўйинидан фойдаланади: *Бош қўяй дедим оёғи туфроғига деди: “қўй” // Бўса истаб лаъли рангин сўрдум, эрса деди: “ол”*. (ФС, 385-з., 406-б.) Байтда учта лексема орқали омоним бирликлар шаклланганлигини кўриш мумкин: *қўй* (*ундов ва феъл омонимлиги*), *сўр* (*феъл ва феъл омонимлиги*), *ол* (*сифат ва феъл омонимлиги*). Бу ўринда қўймоқ феълнинг экспликация (очиқ) ифодаси мавжуд, ундов сўзнинг маъноси эса импликация (яширин) хусусиятига эга.

Куйидаги байтда *аёғ* сўзидан фойдаланиб шоир ўз фикрини яширин ифода этади: *Аёгинг туфрогин ўпсам басдур // Бер аёгингни десам – тарки адаб*. (ФК, 44-з.) Ҳар икки мисрадаги ўзаро шаклдош *аёғ* сўзлари турли тушунчаларни ифодалайди, яъни биринчи мисрадаги *аёғ* сўзи `оёқ` маъносини, иккинчи мисрадаги *аёғ* эса `қадах` маъносини англатади. Иккинчи мисрадаги *аёғ* сўзи нафақат `қадах`, балки `оёқ` маъносини ҳам ифода этмоқда. Шу ўринда таъкидлаш керакки, шоир 2-маънога (`оёқ` қа) ишора қилиш учун биринчи мисрада *аёғ* сўзини ҳам қўллайди.

Байтда бу каби қаватланган маънолар асосида информацияни сиқик ҳолда шакллантириш ва лаконик тарзда ифодалаш ҳисобига асимметрия ҳосил қилинади: “... нутқ вазиятидан келиб чиққан ҳолда, информацияни сиқик ҳолда шакллантириш (*информацион компрессия*) ва уни тилда лаконик (фикрни қисқа, ихчам, аниқ ва лўнда ифодалаш) тарзда ифодалаш, яъни *лисоний компрессия* (С.Н.Ордынская) ҳам асимметрик ҳолатга мисол бўла олади. Лаконизмда фикрни сиқик, ихчам, “минг маънони бир нуқтага жо этиб” ифодалаш назарда тутилади”<sup>24</sup>.

Профессор М.Миртожиев *кун* сўзини тобелилик асосидаги ном кўчишига мисол қилиб келтиради. “Фавойид ул-кибар” девонидаги 189-ғазалнинг 4-байтида қўлланган *кун* сўзи ҳам “куёш”, ҳам “кун” маъносини англатади: *Не кунки юзини кўрсам, тушумга кирса не тонг // Куёшқа боқсаю кўз юмса ҳам куёш кўрунур* (ФК, 189-з.) Бу ўринда 1-мисра мазмунини икки хил тушуниш мумкин, яъни: эксплицит – очиқ (экспликация): “*Қай кун юзини кўрсам, агар тушимга кирса, ажабланадиган жойи йўқ*”; имплицит – яширин (импликация): “*Қандай куёш бўлдики, юзини кўрсам, тушларимга ҳам кириб чиқса*”.

Шоир омонимларни қўллашда матнда сўзнинг яширин маъносига ишора қилувчи асосий сўздан ҳам фойдаланади. Бу эса маънонинг зуҳури каби намоён бўлади.

<sup>21</sup> Алишер Навоий. Ўша асар. – Б.183.

<sup>22</sup> Алишер Навоий. Муҳокаматул-луғатайн. III том. – Тошкент: ЎДН, 1948. – Б.58.

<sup>23</sup> Миртожиев М. Ўзбек тилида лексик омоним манбалари. – Тошкент: Фан, 2014. – 26 б.

<sup>24</sup> Нурмонов А., Раҳимов А. Лингво-синергетикага кириш. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б.75-76.

Диссертациянинг иккинчи боби “Алишер Навоий ғазалларида қўлланган луғавий бирликларнинг семантик ва функционал хусусиятлари” деб номланган бўлиб, бобнинг биринчи фасли сўз семантик структурасидаги ўзгаришлар тадқиқига бағишланган.

Жуда қадимданок тилдаги кўп маънолилиқ, маъно кўчиш ҳодисаси олимлар эътиборини ўзига тортиб келди, чунки “кўп маънолилиқ ... ахборот матнининг пухта ва пишиқ тузилишга эга бўлишига асос яратади”<sup>25</sup>.

Тилшунослиқ илмида кўчма маъно ифодалашнинг уч тури – метафора, метонимия, синекдоха (Ж.Марузо); олти тури – метафора, вазифадошлиқ, эмоционаллик, метонимия (синекдоха унинг таркибига киритилади), халқ этимологияси, алоқадорлик (Л.А.Булаховский); икки тури — метафора ва метонимия (К.А.Левковская); тўрт тури – метафора, метонимия, эвфемизм, гипербола (А.М.Райевская); уч тури – ўхшашлик (метафора), ёндошлиқ (метафора), вазифадошлиқ ҳодисалари (Н.М.Шанский) фарқланади. Аксарият ишларда синекдоха метонимиянинг бир тури сифатида қайд этилади (Д.Н.Шмелев) ёки алоҳида тур сифатида ажратилади (А.А.Реформатский)<sup>26</sup>. М.Миртожиев кўчимларнинг бешинчи турини ҳам қайд этади ва бу тил ҳодисасини *тобелилик* деб атайди.

Бобнинг иккинчи фасли “Шоир ғазалларида ҳосила маънонинг юзага келиш усуллари” деб номланган.

Метафора ҳосила маъно юзага келишининг ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтлари ўзаро ўхшаш келишига асосланади<sup>27</sup>. Метафора ҳосила маъно юзага келиши ҳодисаларининг энг фаоли ҳисобланади. Аристотель таърифига кўра, метафора “сўз маъносининг жинсдан турга, турдан жинсга ёхуд турдан турга ёки муқобиллик асосида кўчирилиши”<sup>28</sup> демакдир.

XX асрнинг сўнгги чорагида бу ҳодиса инсон когнитив фаолияти билан боғлиқлиги ҳақидаги фикрлар илгари сурилди. М.Жонсон фикрича, номаълум ва нотаниш предметни тасаввур қилишда бизга жуда яхши таниш бўлган ҳамда сенсор ҳиссиётларимиз билан боғлиқ бўлган образни танлай олиш ўринли метафорани юзага келтиради<sup>29</sup>.

Ғазалларда *тиш қадамоқ, лаъли* (ФС, 417-ғ., 438-б.), *хазон, лолайи ашк* (ФС, 421-ғ., 442-б.), *лола қилмоқ* (ФС, 437-ғ., 458-б.) каби метафорик ифодалар ҳаракат, ҳолат, воқелиқ, предмет ва шахсни қайта номлайди ҳамда уларни идрокимизда янги ном остида воқелантиради. Ғазал матнларида метафораларнинг айрим турлари фаол ҳисобланади, хусусан: а) фитонимлар воситасида ифодаланган метафоралар (*гул* сўзи фаоллиги кузатилади): *Сен кеби бир гул топилмас кезса юз гулшан аро...* (НШ, 38-ғ., 43-б.); б) осмон жисмлари номлари воситасида ифодаланган метафоралар (ой ва қуёш сўзлари фаоллиги кузатилади): *Навоий, ул ой ҳажрида туну кун* (БВ, 14-ғ.19-б.)

<sup>25</sup> Сафаров Ш. Семантика. – Тошкент: ЎзМЭ, 2013. – Б.105.

<sup>26</sup> Бу ҳақда қаранг: Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент, 2010.

<sup>27</sup> Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент, 2010. – Б.94.

<sup>28</sup> Аристотель. Поэтика. – Л., 1927. – С. 39.

<sup>29</sup> Қаранг: Будаев Э.В. Становление когнитивной теории метафоры // Лингвокультуроология. Выпуск II. – Екатеринбург, 2007. – С.16-32.

Метонимия номдошловчи билан номдошланувчи ўртасидаги алоқадорлик туфайли кўчма маъно ҳосил бўлишидир. Тилда метонимия фикрни лўнда, ифодали, таъсирчан баён қилиш усулларида бири сифатида юзага келади. Илмий адабиётларда бу ҳодисанинг тур ва типлари ҳақида асосан бир хил таъриф келтирилади.

Навоий ғазалларида метонимия бошқа кўчим турларига нисбатан жуда оз миқдорни ташкил этади. Масалан, ғазалларда кўз (‘кўз ёш’: ҒС, 402-ғ.), *анжуман* (‘мажлис аҳли’: НШ, 313-ғ., 318-б.), *соғар* (‘май’) сўзлари воситасида ифодаланган метонимик маъноларни учратиш мумкин: *Жаҳон базмида меҳмонсен, ики-уч соғар ичкач, кўп ...* (БВ, 316-ғ., 321-б.) Мазкур байтда *соғар* (‘қадах’) ифодаловчисининг ‘май’ ифодаланмиши ўзаро адоқадорлик асосида юзага чиқмоқда.

Синекдоха “бир предмет номининг бошқа предметга бутун ва қисм муносабати асосида кўчиши, бутуннинг номи қисмнинг номи ва аксинча бўлиб қолиши”<sup>30</sup> дир. Замонавий тилшуносликда синекдоха табиатига хос, лекин тил илмида эътибор қаратилмаган 3-ифода ҳақида ҳам фикр юритилади<sup>31</sup>. 3-ифода бирлик орқали “кўплик” маъносининг ифодаланишидир. Когнитив ёндашувда синекдоханинг бу 3 турини қуйидагича моделлаштириш мумкин.

#### 4-жадвал. Синекдоханинг когнитив моделлари

КОГНИТИВ МОДЕЛНОМИ	КОГНИТИВ МОДЕЛЛАР	НИМА НИМАНИНГ ИФОДАСИ
СИНЕКДОХА [1]	ҚИСМ [ифодаловчи] = ‘БУТУН’ [ифодаланмиш]	қисм бутуннинг
СИНЕКДОХА [2]	БУТУН [ифодаловчи] = ‘ҚИСМ’ [ифодаланмиш]	бутун қисмнинг
СИНЕКДОХА [3]	БИРЛИК [ифодаловчи] = ‘КЎПЛИК’ [ифодаланмиш]	бирлик кўпликнинг

Қуйида шоир ғазалларини синекдоханинг когнитив моделлари бўйича таҳлил қиламиз.

СИНЕКДОХА [1] когнитив моделига кўра қисм орқали бутун ифодаланади, бунда ифодаловчи – қисм, ифодаланмиш бутун мақомида бўлади.

*ҚИСМ* [кўз, эгма қош] = ‘БУТУН’ [‘инсон/комил инсон/ошиқ’; ‘ёр’]: 1) ... Кўптур қора кўзлар ичра беморинг (ҒК, 345-ғ.); 2) Чун вафосиздур қора кўзлар санга ҳам, эй кўнгул // Мумкин эрмастурки, ул кўзи қоро қилғай вафо (НШ, 39-ғ., 44-б.); 3) ... Ё ёшурмиш ул қора кўз оразин гулгун паранд. (НШ, 116-ғ., 121-б.) Мазкур мисолларда кўз лексемаси воситасида қисм орқали бутун номланган бўлиб, у ‘инсон’ тушунчасини ифодалайди. 1-мисолда ифодаловчи ‘инсон/комил инсон/ошиқ’ ифодаланмишига, 2- ва 3- мисолдаги ифодаловчи ‘ёр’ ифодаланмишига эга.

Диссертацияда *ҚИСМ* [чехра, юз, ораз, рухсор] = ‘БУТУН’ [‘ёр’]; *ҚИСМ* [қомат] = ‘БУТУН’ [‘бенуқсон ёр’] моделларига оид мисоллар таҳлил қилинган.

СИНЕКДОХА [2] когнитив моделига кўра бутун орқали қисм ифодаланади,

<sup>30</sup> Ҳожиев А.П. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти ([www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi). – Б. 88.

<sup>31</sup> Дедахонова М. Модерн шериятида маъно кўчишининг лингвокогнитив аспекти: Фалс. бўй. филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2021. – Б.26.

бунда ифодаловчи – бутун, ифодаланмиш қисмдир: *БУТУН* [қўл, илиз] = `ҚИСМ` [бармоқ]: Керакки қўймаса бир дам пиёлани қўлидин... (НШ, 300-ғ., 305-б.); Кўргач ани хайратдин илгимники тишлабмен ... (БВ, 317-ғ., 322-б.); *БУТУН* [бош] = `ҚИСМ` [соч]: Оқартиб ишқ бошимни, ниҳон бўлди сариғ чехрам ... (БВ, 126). Мазкур мисрада *бошим* бирикмаси синекдоха маъносига эга. Бу бутун-қисм муносабатида *соч* маъноси бош сўзининг ҳосила маъноси асосида шаклланган. *Бош* сўзининг *соч* маъносига матндаги *оқартиб* феъли ҳам ишора қилмоқда.

СИНЕКДОХА [3] когнитив моделига кўра бирлик орқали кўплик ифодаланади, бунда ифодаловчи – бирлик; ифодаланмиш – кўпликдир: *БИРЛИК* [бани одам/инсон боласи] = `КўПЛИК` [инсон болалари/жамики одамзод]: Юз жон бериб, вафо бани одамда топмадинг ... (БВ, 489-ғ., 494-б.).

Шоир ғазалларида синекдоха асосида *эма қош* ифодаси орқали ҳам `ёр` тушунчаси ифодаланган: *Навоийнинг бу намози не навъ экин, ё раб, // Ки сажда вақти кўзига ул эма қош кўрунур.* (ФК, 189-ғ., 194-б.)

М.Миртожиев қайдича, тобелилик фақат от туркумига хос бўлиб, унинг миқдори чегаралангандир. Олим кўчимнинг бу турига фақат *қариш(ч)*, *кун* ва *мушт* сўзларини мисол келтириш билан чекланади. Навоий ғазалларида тобелилик асосида вужудга келган *мушт* сўзининг `зарб` ҳосила маъносини қуйидаги байт мисолида кўриш мумкин: *Қамар юзинда мушту кочдин кўрдум асар ҳар ён // Ҳамоно ул қуёш бадмаст бўлгонда талошибдур* (БВ, 144-ғ., 149-б.). Ғазал мазмунига кўра, ойнинг юзидаги доғлар мушт (`зарба`) ва коч (форс. `гарданига шапатилаб уриш`) дан қолган издир ва ҳамонки шундай экан, бу муштлашув қуёш бадмастлигида бўлиб ўтган. Байтнинг объектив мазмунидан келиб чиқадиган иккинчи мисрадаги импликация эса қуйидагича: “*Агар қуёш бадмаст бўлмаса, ой билан бундай қаттиқ муштлашув бўлмас эди*”. Бу имплицатив мазмун навбатдаги импликацияни шакллантиради: “*Қуёш, яъни ёр мастлигида бадфеъл бўлиб қолади*”.

Бобнинг учинчи фаслида Навоий ғазалларида қўлланган арабча ва форсча-тожикча ўзлашмаларнинг лексик-семантик хусусиятларига эътибор қаратилган.

Халқлар ўртасида, тушунчани, бинобарин, сўзларни ўзаро алмашиш зарурияти олдиндан бор ва давом этиб келмоқда. Бир тилдан бошқа тилга, жумладан, бошқа тиллардан ўзбек тилига сўз ўзлашиши ёзма ёки оғзаки кўринишда юз беради. Масалан, арабча ўзлашмаларнинг кўпчилик қисми ёзма манбалар орқали ўзлашган бўлса, тожикча сўзларнинг ўзлашишида эса оғзаки нутқ ҳам муҳим роль ўйнаган.

Ўзбек тилидаги арабча луғавий ўзлашмалар салмоқ жиҳатидан форс-тожикча ўзлашмалар қатламидан кейинги ўринда туради. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да (беш жилдлик) 2450 та арабча ўзлашма лексемалар мавжуд<sup>32</sup>. Навоий яшаган даврда эса бу кўрсаткич анчагина салмоқли бўлиб, ҳозирда бу ўзлашмаларнинг кўпчилиги истеъмолдан чиқиб кетган.

Шоир ғазалларида арабча сўзларнинг тасаввуфий истилоҳлар сифатида қўлланиши кузатилади. Бу истилоҳлар орқали Навоий мажозий маъноларни ифодалайди. “... Умуман, тасаввуф луғатида ҳамма сўзлар мажозий маъноларда ишлатилиши шоирнинг тил бойликларини хилма-хил шеърый санъатлар билан

<sup>32</sup> Хасанова Д. Арабча луғавий ўзлашмаларнинг ўзбек тили номинатив ва дериватив тизимидаги ўрни: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. –Тошкент, 2011. – Б.22.

уйгунлаштириш ва мукаммал назм яратиш имкониятларини бекиёс даражада кенгайтиради”<sup>33</sup>. *Анкабуте* шоирнинг ошиқона ғазалларида турли мажозий маъноларда қўлланувчи фаол зоонимдир. *Анкабуте* – ўргумчак, ўргамчи, ин ясаган ўргимчак<sup>34</sup> демакдир: ... *Анкабуте ришта осқон бўлса ҳар деворга. (БВ, 542-ғ., 547-б.)* Бу ўринда “*Маҳбуб ёрига зорланганда шу қадар заифлашадики, қулбасида ўрнидан турмоқ истаса, унга деворга осилган ўргимчак тўрлари мадад бўлади*” тарзидаги муболағанинг ғулув тури қўлланади.

“Бадоеъ ул-васат” девонининг 280-ғазал қофиясининг араб тили лексик элементларидан танланганлиги боис байтда қўлланган арабизмлар матн лексикасининг катта қисмини ташкил этганлигини кўриш мумкин. *Дайр<sup>а</sup> нури<sup>а</sup> хидматида<sup>а</sup> қилса ҳар хаммор<sup>а</sup> шарт<sup>а</sup> (7:4) // Ким белин руст айлагай, аввал<sup>а</sup> эрур зуннор<sup>а</sup> шарт<sup>а</sup> (8:3)* матласи билан бошланувчи мазкур ғазалда жами 120 та сўз иштирок этган бўлиб, улар таркибида арабизмлар ҳиссаси 41тага тўғри келади. Бу эса ғазал лексик тизимининг 30% ни ташкил этади. Арабизмлардан айримлари ўзбек тилига флектив шаклда ўзлашган бўлиб, уларнинг ғазалларда қўлланиш частотаси аниқланган (диссертацияда 5-жадвал).

Ўзбек адабий тилига форс-тожик тилидан кирган сўзларнинг XIV-XV асрлар орасида анча кўп бўлгани кузатилади ва бу ўзлашмалар ҳозирги ўзбек адабий тилида деярли учрамайди. Масалан, Алишер Навоий тилида ишлатилган қуйидаги тожикча сўзлар ҳозирда истеъмолдан чиққан: *авранг* (тахт), *анбаркаш* (хас-чўп, ахлат ташувчи), *ангабин* (асал, бол), *бадрақа* (йўл бошловчи, карвон бошлиғи), *беша* (тўқай, чангалзор), *газистон* (юлғунзор).

Форс-тожик тилининг ўз давридаги юқори нуфузи ҳақида Навоий шундай ёзади: “... *турк улусининг хуштаблари мажмуни сарт тили ила назм айтқайлар ва билкул турк тили била айтмагайлар, балки кўпи айтмагайлар ва айтсалар ҳам сорт турк тили била назм айтқондек фасиҳ турклар қошида ўқуй ва ўтқара олмагайлар ва ўқусалар ҳар лафзлариға юз айб топилгай ва ҳар таркиблариға юз эътироз ворид бўлгай*”<sup>35</sup>.

Диссертацияда “Фавойид ул-кибар” девонидаги 5-ғазал мисолида форсча ва арабча сўзлар нисбати аниқланди. Ғазал жами 127та сўздан ташкил топган бўлиб, улардан 36 таси арабча, 23 таси эса форс тилига мансуб. Қолган лексик бирликлар туркий қатламга мансуб. Туркий қатламнинг асосий таркиби ундов сўзлар, кўмакчи ва боғловчилар ҳиссасига тўғри келишини таъкидлаш зарур. Ушбу миқдорни барча ғазаллар учун бирдек деб бўлмайди, чунки ғазалларда ўзлашмалар миқдор жиҳатдан кескин фарқланади. Чунончи, юқоридаги ғазал матласи қуйидаги байт билан бошланади: *Эй, кўнгул ичра май<sup>ф</sup>и васл<sup>а</sup> инг учун ком<sup>ф</sup> таманно<sup>а</sup> (8:2<sup>а</sup>; 2<sup>ф</sup>), // Жон<sup>ф</sup>га ҳам фурқат<sup>а</sup>инг ўти аро бу хом<sup>ф</sup> таманно<sup>а</sup> (8:2<sup>а</sup>; 2).* Бу ўринда байтдаги статистик таҳлил қавс ичида аввал умумий сўз, сўнг арабча ва форсча ўзлашмалар миқдори тартибида келтирилган.

Тадқиқотимиз давомида шу маълум бўлдики, қофия тизими шоир ғазаллари матнининг айнан қайси тил бирликларидан танланиши муаммосини ҳал этади.

<sup>33</sup> Қодиров П. Тил ва эл. – Тошкент, 2005. – Б.116.

<sup>34</sup> Навоий асарлари учун қисқача луғат. – Тошкент.: Фан, 1993. – Б. 21.

<sup>35</sup> Ўша асар. – Б. 12.

Ғазал таркибининг марказий унсури бўлган қофияга мувофиқ равишда ғазал таркибидаги луғавий бирликлар (ўз ва ўзлашган қатлам унсурлари) танланади.

Иккинчи боб сўнги фаслида ғазаллар семантикасида ибораларнинг ўрнига эътибор қаратилди. Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан тилшунослик илмида фразеология моҳияти ва мундарижаси борасидаги икки хил талқин вужудга келди. Биринчи талқинга кўра, фразеологизм атамаси остида тилнинг барча турғун бирикмалари бирлаштирилди<sup>36</sup>, улар таркибига мақоллар, маталлар, идиоматик бирликлар ва бошқалар киритилди. Бу бирликлар “турғунлик”, “тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлишлик” белгилари асосида бирлашади. Иккинчи талқинга кўра, бу атама остида мақол, матал сингари бирликлардан фарқланувчи алоҳида бирликлар назарда тутилди<sup>37</sup>. Фразеологик бирлик бирдан ортиқ лексик негиздан таркиб топган бўлиб, тузилиши жиҳатидан бирикмага, гапга тенг, мазмунан сўзга эквивалент, яхлитлигича устама кўчма маъно англатувчи луғавий бирликдир.

Навоий ўз ғазалларида ибораларга ҳам кенг ўрин беради. Бадиий услубда иборалардан фойдаланиш нутқни ўткир ва таъсирчан қилади. Шоир ғазалларида фразеологик бирликларнинг қуйидаги кўринишлари учрайди: *тилимни лол эт[иб]* (ФС, 263-з.); *олур ҳуш[унг/ни]* (ФС, 263-з.); *жон етти озг[ум/га]* (ФС, 263-з.); *машаққат чек[ти/м]* (ФС, 311-з.); *жон талаш[ман]* (ФС, 320-з.); *силк этак* (ФС, 325-з.); *кулини кўкка совур[динг]* (ФС, 354-з.); *тошдек кўнгл[и/н/ [он/инг]* мум қил (ФС, 380); *кўнгли[(ни) мендин] сову[т]* (ФС, 354-з.); *кўнгл[и/н анинг]* мум қил (ФС, 381-з.); *тушти кўз[ум] кўз[унг/га]* (НШ, 220-з.). Шунингдек, *кўз(ум) наззорадин тўрт ўлмак, юз қаролиг, бош оқармак, кўнгл(ум) очилмак, панд бермак, жон бермак, ики юзлик* каби фраземалар ҳам шулар жумласидандир.

Ғазал байтларида шакл ва маъно муносабатига кўра кўп маъноли, омоним ва синоним ибораларни учратиш мумкин. Масалан, *паймонаси тўлмоқ* омоним фраземасини қуйидаги мисолда икки хил маънода тушуниш мумкин: а) май билан *қадҳимиз* тўлади (сўз бирикмаси); б) *май билан паймонамиз тўлади (ибора): Оби ҳайвон бирла гўёким тўлар паймонамиз.* (ФС, 211-з, 232-б.)

Ибораларнинг синонимия ва вариантларга бойлиги уларнинг услубий имкониятларини янада кенгайтиради ва бундай иборалар ўзаро образлилик даражасига кўра фарқланади: *Кўнглакин чок айламини андуҳдин гул, чун яқо // Чок қилса найласун булбулнинг ўлмай кўкси чок* (ФС, 329-з, 350-б.)

Иборалар категориал семаси доирасида туркумлик семасини – “предметлик”, “жараёнлик” ва “белгилик” семаларини намоён этади (диссертацияда 8-жадвал). Бу семалар орасида “жараёнлик” семаси кўп учрайди: *Лабинг кўргач илигим тишларам ҳар дам таҳайюрдин...* (ФС, 452-з., 473-б.) Фразеологизмлар мазмуний мундарижасида категориал семадан ташқари, градуал семалар ҳам мавжуд. Масалан, *кўкси чок ўлмак, яқо чок қилмак* ва *кўнглакин чок айламак* фразеологизмлари градуал семага эга.

7-жадвал. Иборалар вариантлигида семантик даражаланиш.

<sup>36</sup> Кенесбаев С.К. О некоторых особенностях фразеологических единиц в казахском языке // Изв. АН Казах. Серия Филология и искусствоведения. Вып. I-II. Алма-ата, 1954. – С.9.

<sup>37</sup> Рўзикулова М. Ўзбек тилида идиомалар: Филол. фанл. номз...дисс. автореф. Самарқанд, 1966. – Б.18. Бу ҳақда қаранг: Ганиева Ш. Ўзбек фразеологизмлари структураси (шаклий ва мазмуний моделлаштириш): PhD диссертацияси. – Фарғона, 2017).

№	<i>Градуал семалар</i>	<i>1-қуйи даража (кучсизроқ)</i>	<i>2-ўрта даража (кучлироқ)</i>	<i>3-юқори даража (кучли)</i>
	<i>Иборалар (лексик вариантли)</i>			
1	<i>Кўкси чок ўлмак</i>			+
2	<i>Яқо чок қилмак</i>		+	
3	<i>Кўнглакин чок айламак</i>	+		

Диссертациянинг “Алишер Навоий ғазалларида қўлланган фаол луғавий бирликларнинг парадигматик муносабати ва услубий хусусиятлари” деб номланган учинчи бобда ғазалларда қўлланган наботот ва ҳайвонот номларининг семантик ва услубий жиҳатлари ёритилган.

Маълумки, ўсимлик номлари парадигмасида *наботот* сўзи араб тилидан ўзлашган бўлиб, *набот* асосидан ясалган сўзлар “ўсмоқ”, “ўсиш”, “пишиб етилмоқ” каби маъноларни билдиради<sup>38</sup>. Тил илмида наботот сўзининг муқобили бўлган фитоним (юнонча *phyton* – ўсимлик + *onim* – ном) термини остида барча ўсимлик номлари тушунилади.

“Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”да 300 дан ортиқ<sup>39</sup> ўсимлик номлари учрайди. Булар орасида гул лексемаси ғазалларда фаол фитоним ҳисобланади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да келтирилган *гул* асосли лексемалардан айримлари семантик жиҳатдан *гул* сўзининг луғавий маъноси билан боғланмайди. Жумладан, *гул етим* (отасидан айрилиб, онаси билан қолган *етим* қиз ёки бола)<sup>40</sup>, *гулмих*<sup>41</sup> (ф. – катта *қалпоқли* мих; *козиқ*), *гулмоҳи*<sup>42</sup> (ф. – гулбалиқ лососсимонлар оиласига мансуб, тоғ сувларида яшайдиган *холдор* балиқ) сўзлари форс тилидан ўзлашган дериват сифатида *гул* сўзи семантикасига хос бўлмаган тушунча ва маъноларни ифодалайди. Ғазалларда *гул* парадигмаси<sup>43</sup> да *гулбор* (*гул ёғдирувчи*), *гулбонг* (*баланд овоз билан нола тортиши, хушовоз билан сайраши*), *гулбун* (*гул тупи*), *гулгуна* (*уна-элик*), *гулжабин* (*гул пешона, очиқ пешона*), *гулқирдор* (*гулдай, гул каби*), *гулогин* (*гулдор*), *гулгуна* (*уна-элик, зийнат*) каби сўзлар учрайди.

Наботот номлари кўчимлар яратишда, бадий матнга хос экспрессия ва эмоционалликни таъминлашда иштирок этадиган лексик бирликлардан саналади. Бу хусусият Навоий шеърляти учун ҳам хос. Гул сўзи иштирокидаги тасвир воситалари ғазалларда ранг-барангдир. Улар:

I. *Гул* сўзи воситасида ифодаланган **ўхшатишлар**: а) *тўғридан-тўғри ўхшатиши*: ... *Булбул била гулдек икимизга ватан эрди* (ФК, 604-ғ., 609-б.); б) *инкор қилиши* (*ружувъ*) *орқали ўхшатиши*: *Ё раб, бу не гулдурким, бошига чечак санчар ...* (ФС, 180-ғ., 201-б.); II. *Гул* сўзи воситасида ифодаланган **метафоралар**: а) *юз учун эталон*: *Гул уза шабнам сочибсен, кўргузуб сунбулда печ* (ФК, 644-ғ., 650-б.); б) (*умуман*) *ёр учун эталон*: *Тоза гул дейму сени, сарвиравон дейму сени?!* (ФК, 643-

<sup>38</sup> Бафоев Б. Кўхна сўзлар тарихи. – Тошкент, 1991. – Б.63.

<sup>39</sup> Усмонова М. Алишер Навоий асарларида ўсимлик номлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 2011. – № 2. – Б.94-95.

<sup>40</sup> ЎТИЛ. 5 жилдлик. 1 жилд. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2006. – Б.519.

<sup>41</sup> ЎТИЛ. Ўша китоб. – Б.520.

<sup>42</sup> ЎТИЛ. Ўша китоб. – Б.520.

<sup>43</sup> Журабаева З. Алишер Навоий ижодида гул билан боғлиқ лексемаларнинг ифодаланиши // Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий - маърифий тараққиётидаги ўрни. Халқаро илмий анжуман материаллари. – Навоий, 2017.

г., 649-б.) Ғазалларда *гул(гунча) сўзи воситасидаги жонлантиришлар*: Чун оқиб, гул очилиб, гунча бутуб. (НШ, 66-г., 71-б.); *сифатлаш(эпитет)лар*: а) *содда эпитет*: Гул *юзунг кўргач тутар ўз ҳолига мотам баҳор* (ФС, 155-г., 176-б.); б) *бирикма шаклидаги эпитетлар*: Ким экин майдонда, ё раб, ул *тўни гулгун йигит* (НШ, 80-г., 85-б.) кўп учрайди. Шунини ҳам таъкидлаш керакки, гул асосли *гулгун* сўзи ғазалларда *йигит* лексемасига ҳам эпитет бўла олади.

Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида паррандалар сирасида ўрдак турларидан *čörkâ-yü erkâ va suqsur-u almabaš va čaqirqanat-u temürqanat va alalağavî alarökâ va bağçal* номларини келтириб, уларнинг етмиш хилга боришини, сарт уларнинг барчасини фақат *turgäbi* дейишини<sup>44</sup> қайд этади.

**Куш** лексемаси ғазалларда фаол қўлланиши билан ажралиб туради (диссертацияда 9-жадвал). Ғазалларда фаол куш номларидан *кабутар*, *анқо* ва *булбул* лексемалари учрайди. Масалан: *Номаи ҳажрим кабутар парларин гар ўртамас* (БВ, 186-г., 191-б.) “*Кабутар* дунё мифологиясида ‘руҳ’, ‘тинчлик’ тушунчасини англатади. ... “Лисон ут-тайр”да *кабутар уй-жойига асир бўлган одам ёки вужудига асир нотавон руҳ* тимсолида талқин қилинади. Навоий ғазалларида ҳам бу тимсол ‘*инсон кўнгли*’ ёки ‘*жонига*’ муқояса қилинади<sup>45</sup>: ... Ул *кабутарким, қабақ ичинда қилгай изтироб* (ФС, 43-г., 64-б.). Ғазалларда фаол куш номларидан *анқо* “ирфон фалсафасида *комил инсон тимсоли*”<sup>46</sup>ни ифодаласа (*Тилар кўнглум қуши анқодин ўтсам нари юз водий*: ФС, 133-г., 164-б.), “Нафоис ул-фунун” асарида эса *анқо* “боши одам қиёфасида, бўйни ва қанотлари узун куш”<sup>47</sup> кўринишида тасвирланади. Шоир булбулни “ишқ йўлида фарёд чекувчи, яъни суқр йўлидаги ошиқ – соликка қиёслайди... “Лисон ут-тайр”да эса ‘зоҳирий гўзалликка, ўткинчи жилога мафтун киши’ тимсолида қўллайди<sup>48</sup>: *Бу богнинг булбуллари гар билсалар, хуш панд эрур* (ФС, 135-г., 156-б.). “Булбул дейдики ... Мен аслида инсонга хос сифатлар – эркак ва аёлликдан эмас, гулга ошиқлик онасидан туғилдим. Ишқим ҳам, ақлим ҳам туғма. ... Самода чарх уриб парвоз этган булбул “Қизил гул менинг теримдан яратилди”, деганни қайдан билсин<sup>49</sup>.”

Шоир ғазалларида *ит* лексемаси ҳам фаол зоонимлардан бўлиб, Навоий ижодида у ‘вафо ва садоқат, рақиб, нафс, валийлар’<sup>50</sup> маъносида қўлланилган. Куйидаги байтда ушбу зооним “Қомусий луғат”<sup>51</sup>да қайд этилмаган ‘кўриқчи’, ‘хамроҳ’ маъноларини ҳам ифода этган: *Гар Навоийга даводур унунг, эй ёр ити // Ҳординг эркинки, тонг отқунча хурарсен охир*. (БВ, 172-г., 177-б.)

Ғазалларда *эшак* лексемаси халқ тилидаги ибратли фикрни эслатиш, қиёсни кучайтириш мақсадида қўлланилган: *Соқоли шайхи риёйга гарчи келди ҳаром // Вале куларга эшак бўйинига керак гужгов*. (БВ, 517-г., 522-б.) Бу ўринда *гужгов* – “эшакнинг бўйнига осиб қўйиладиган мунчоқ ва бошқа

<sup>44</sup> Бу ҳақда қаранг: Умарова Н. Алишер Навоий асарларининг лисоний-концептуал тадқиқи: Филол. фан. д-ри ... дисс. (DSc). – Фарғона, 2022. – Б.199.

<sup>45</sup> Алишер Навоий. Қомусий луғат. – Б.230.

<sup>46</sup> Алишер Навоий. Қомусий луғат. – Б.68.

<sup>47</sup> Бу ҳақда қаранг: Алишер Навоий. Қомусий луғат. – Б.68.

<sup>48</sup> Алишер Навоий. Қомусий луғат. – Б.129.

<sup>49</sup> Бу ҳақда қаранг: Умарова Н. Кўрсатилган манба. – Б.198-199.

<sup>50</sup> Алишер Навоий. Қомусий луғат / Ш.Сирожиiddинов масъул муҳаррирлигида. – Т.: Шарқ, 2016.– Б.223.

<sup>51</sup> Алишер Навоий. Қомусий луғат. Ўша бет.



нарсалар” демакдир. (АНАИЛ, 1983, 4-жилд, 117-б.)<sup>52</sup> Мазкур байт мазмунидан куйидаги имплекатив ифодани англаш мумкин: “*Агар шайх мунофиқ ва риёкор бўлса, юзидаги соқоли ҳаром (яъни имони мукамал эмас), бу худди эшак бўйнига осилган мунчоқдек кулгили кўринади*”.

## ХУЛОСА

Тилни тарихий аспектда ўрганиш ижодкорнинг сўз бойлиги ва сўз қўллаш маҳоратини аниқлашда алоҳида аҳамият касб этади. Навоий асарлари тилини тадқиқ этиш миллий тилнинг муҳим тарихий босқичидаги тараққиётини ва ҳолатини, лингвистик ҳодисалар тадрижини тўлиқ тавсифлаш имконини беради. Шу нуқтаи назардан, шоир ғазалларининг луғавий ва маъновий жиҳатдан тадқиқи ва таҳлили куйидаги хулосаларга олиб келди:

1. Навоий асарлари тилининг лексик хусусиятларини ўрганишни ғазаллар доирасида олиб бориш тилнинг луғавий бирликларига хос шаклий, семантик ва функционал тараққиётни кичик жанрлар асосида далиллашнинг бирмунча қулай эканлигини кўрсатди.

2. Ҳар бир сўз пайдо бўлишига кўра борлиқдаги нарса-ҳодисани, унинг белгисини, миқдорини, ҳолати ва ҳаракатини номлаш учун юзага келади. Синонимия ҳодисаси кенг маънода номлаш билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлади. Шоирнинг улкан сўз бойлиги доирасида синонимлар алоҳида аҳамиятга эга. Ғазалларнинг лексик хусусиятларини аниқлаш давомида бу каби маъновий муносабатлар қўлланишига хос турлича тамойиллар ва функционал хусусиятлар борлиги аниқланди. “Фавойид ул-кибар” девонидан танлаб олинган 15 та ғазалнинг барчасида синоним бирликлар учрамайди. Айрим ғазалларда синонимик қаторлар сони иккитадан ортади: *одам-киши-инсон-банда, атоё-ҳадя-эхсон, қарор-ихтиёр-жазм*. Ғазалларда синонимлик кўп ҳолларда контекстуал кўринишда намоён бўлади. “Фавойид ул-кибар” девонидан танлаб олинган ғазалларда ҳаммаси бўлиб 33 та синонимик қатор қўллангани маълум бўлди.

3. Ғазалларда антонимлик бир тил доирасида эмас, икки тил бирликлари асосида, яъни туркий сўз форсий сўзга, арабча сўз форсча-тожикча сўзга зидланиш ҳолатлари кузатилди. Шоир ғазалларда ифодавий эмоционалликка, услубий ихчамлик ва бадиий раванликка эришиш мақсадида антоним сўзлардан самарали фойдаланган.

4. “Фавойид ул-кибар” девонидан танлаб олинган 15 та ғазалда жами 24 та зиддият жуфтлиги кузатилди. Таҳлил қилинган мисолларда зиддият аъзоларининг айримлари тўлиқ (абсолют) антонимлик ҳосил қила олмайди. Бу каби зиддиятлар матннинг шу ўрнидагина аҳамиятли, яъни контекстуал характерда бўлади. Ғазаллардаги антонимлар таҳлили яна шуни кўрсатдики, шоир байтларда сўзлар зиддиятига эмас, балки фикрлар зиддиятига кенг ўрин беради. Айрим ўринлардагина фикрий қаршилангириш антонимлар орқали воқеланади.

<sup>52</sup> Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғати. 4-жилдик. 4-жилд. – Тошкент: Фан, 1983. – Б.117.

5. Ғазалларда баъзан омонимлар уларга шаклан яқин бўлган паронимлар ва омофонлар билан қоришиқ ҳолда учрайди. Бунинг сабабини араб алифбосининг ўзига хос хусусиятлари билан изоҳлаш мумкин. Омонимлардан услубий мақсадларда фойдаланиш синоним ва антонимлар каби унумдор эмас. Ғазалларда жинсдош сўзлар қўлланишининг ўзига хос тамойиллари мавжуд.

6. Ғазал мазмунини ёритишда форсча сўзларга нисбатан арабча лексемаларнинг ифода имкониятлари анча кенг. Арабча лексик бирликларнинг миқдорини барча ғазаллар учун бирдек деб бўлмайди, чунки ғазалларда ўзлашмалар миқдор жиҳатдан кескин фарқланади. Бу ҳолат ғазал мазмунига ва қофия тизимига алоқадор деб ҳисоблаймиз.

7. Шоир ғазалларда ибораларни фаол қўллайди. Бунинг сабабини иборалардаги тасвирийлик ифодаси ва реципиент онгида лисоний тимсолларни гавдалантиришда уларнинг асосий лексик восита эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Ибораларнинг синонимияга бойлиги ҳамда вариантдорлиги ғазалларда уларнинг услубий имкониятларини кенгайтиради. Шоир қўллаган фраземалар айни бир маънони англатса-да, аммо ифода ва экспрессивлик даражасига кўра градуонимия ҳосил қилади. Ғазалларда қўлланган *кўнглакин чок айламоқ*, *яқо чок қилмоқ*, *кўкси чок ўлмоқ* иборалари синонимик уясида *кўкси чок ўлмоқ* ибораси тасвирийлик даражасининг кучли ифодаловчиси сифатида намоён бўлади.

8. Навоий ғазалларида метафоралар бошқа кўчим турларига нисбатан кўп учрайди. Метафоралар асосан сўз, бирикма, форсий изофа, баъзан эса гап шаклида бўлади. Шоир ғазалларида метонимия бошқа кўчим турларига нисбатан жуда оз миқдорни ташкил этади. Ғазалларда синекдоханинг *эма қош* тасвирий ифодаси орқали ифодаланиши характерлидир. Шунингдек, ғазалларда *эма қошга* монанд *эма қад* ифодаси ҳам учрайди. *Эма қош* – ёр, *эма қад* эса ошиқ тимсолини ифода этади. Ҳар икки ифода ғазалларда рамз даражасига кўтарилган дейиш мумкин.

9. Наботот номлари орасида *гул* сўзи ғазалларда фаол лексик бирлик сифатида алоҳида ўрин тутаяди. Ғазалларда *гул* лексемаси воситасида ифодаланган ўхшатишлар *тўғридан-тўғри ёки ружуъ орқали ўхшатиши* (муаллиф таснифи) кўринишида бўлади. *Гул* сўзида ифода этилган тимсол юз ёки ёр учун қиёс эталони саналади. *Гул* ва *гунча* сўзлари воситасида ғазалларда жонлантириш ва сифатлашлар ҳам ҳосил қилинади. Ғазалларда *гул* сўзининг *йигит* лексемасига атрибут сифатида танланиши мумтоз шеърятга хос ифода услуби ҳисобланади.

10. Ғазалларда қўлланган ҳайвонот номлари (19 та) нинг қўлланиш частотаси бир хил эмас. Улар орасида *қуш* ва *булбул* сўзлари қўлланиш даражасининг юқорилиги билан бошқа турларидан ажралиб туради. Шунингдек, зоонимлар бир қатор услубий-семантик хусусиятларни ҳам намоён этади. Шоир *эшак*, *паиша*, *чивин* лексемалари воситасида киноя услубини қўллаб, бирор ибратли фикрни эслатиш ёки қиёсни кучайтириш мақсадида фойдаланади. *Паишанинг* ожиз ва заифлигини кўрсатиш учун матнда бу лексемага нисбатан *ярим*, *яримчуқ* эпитет (сифатлаш)лари ҳам параллел қўлланади.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING  
SCIENTIFIC DEGREE DSc. 03/30.12.2019.Fil.05.02  
AT FERGHANA STATE UNIVERSITY**

---

**FERGHANA STATE UNIVERSITY**

**Abduvaliyeva Nodira Alisherovna**

**LEXICAL AND SEMANTIC FEATURES  
OF ALISHER NAVOI'S GHAZALS**

**10.00.01 – Uzbek language**

**DISSERTATION ABSTRACT FOR DOCTOR OF PHILOSOPHY  
IN PHILOLOGICAL SCIENCES (PhD)**

The theme of PhD dissertation is registered by Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministry of the Republic of Uzbekistan under the number B2020.4.PhD/FH1405

The dissertation has been prepared at Fergana State University.  
The abstract of the PhD dissertation is posted in three (Uzbek, English and Russian (Resume) languages) on the website of the Scientific Council ([www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)) and on the website «ZiyoNet» information-educational portal ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net))

Scientific consultant:

Umarova Nargizxon Rustamovna  
Doctor of Philological sciences, docent

Official opponents:

Usmonova Xurriiso Sharopovna,  
Doctor of Philological sciences, professor  
Raxmatov Mirdun Mexmonovich,  
Kandidat of Philological sciences, docent

Leading organization:

Urganch State University

Defense of the Dissertation will take place on «12» 09 2022, at 14<sup>00</sup> p.m. at a meeting of Scientific Council DSc. 03/30.12.2019/FI.05.02 under Fergana State University (Address: 19, Murabbiylar Street, Fergana, 100151, Tel: (99873) 244-66-02; fax: (99873) 244-44-01; e-mail: [info@fdu.uz](mailto:info@fdu.uz)).

Dissertation could be reviewed information-resource center of Fergana State University (registration number 030). Address: 19, Murabbiylar Street, Fergana, 100151, Tel: (99873) 244-71-28.

Dissertation abstract sent out on «5» «09» 2022.  
(Mailing report number 45 on «5» «09» 2022).



A.M. Iskandarova  
Chairman of Scientific Council awarding scientific degree, Doctor of Philological Sciences, Professor

M.T. Zoldirov  
Member of Scientific Council Awarding scientific degree, Doctor of Philological Sciences, docent

A.B. Mamajonov  
Chairman of Scientific Seminar at the Scientific Council awarding scientific degree, Doctor of Philological sciences, Professor

## **INTRODUCTION (annotation of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD))**

**Relevance and necessity of the dissertation topic.** In world linguistics, the rapidly changing layer of language, which is inextricably linked with the development of society - changes in the lexical level, is an important source of art in determining the general situation in a particular historical period. In particular, the analysis of the semantic features and methodological possibilities of lexical units used in a particular creative language, the proof of the lexical and spiritual perfection of the language is the main content of existing scientific research. This allows us to fully justify the gradual development of any language, as well as to accurately describe the events of the language by lexical and semantic coverage of the vocabulary and vocabulary of classical artists, in particular, the great poet Alisher Navoi, who took full advantage of the national language. At the same time, of course, the practical significance of explanatory and etymological, encyclopedic and field dictionaries is incomparable.

In the field of world and Uzbek Navoi studies, many scientific achievements have been made in the study of the lexical level of the language. Lexical-semantic groups of words in Navoi's works, semantic changes in the lexical meaning of assimilated words, phrases and lexical units are analyzed. Achievements in this area serve as a theoretical basis for the diachronic aspect of the methodological possibilities of words in a paradigmatic relationship in an artistic text.

In the conditions of the new Uzbekistan, at the most important stage of the development of our statehood, there is an ever greater need to study the great literary and spiritual heritage left by the founder of our national literary language, our great ancestor Alisher Navoi. As the head of our state Sh.M.Mirziyoev noted, "the great poet in his poetic and prose works with high universal ideas, incomparable richness of words, infinite possibilities of expression of our native language with all its charm and grace took a worthy and firm place in the hearts of millions of readers ... Today, when the foundations of the new Renaissance - the Third Renaissance - are being laid, the deep study and popularization of Uzbek literature and culture on the example of Alisher Navoi's rich literary heritage is more important than ever<sup>53</sup>". Alisher Navoi, the great genius and pride of the Uzbek people in all ages, seeks to shed light on the lexical situation at the highest stage of development of our national language, as well as the great poet's great contribution to the enrichment of the Uzbek language with new words and meanings. It also identifies the need for systematic research in this area. We can not say that significant research in Navoi studies has provided a complete solution to the problem, because the huge amount of Navoi's vocabulary, the diversity of his works requires continuity of research in this area.

PF-797 of the First President of the Republic of Uzbekistan dated May 13, 2016 "On the organization of the Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi" Decree No. PF-6084 "On measures to further develop the system of higher education" No. PQ-2909 of April 20, 2017, June 5, 2018 "On measures to

---

<sup>53</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.10.2020. 07/20/4865/1395-сон.

further improve the quality of education in higher education institutions and their No. PP-3775 of October 4, 2019 “On Additional Measures to Ensure Active Participation in Comprehensive Reforms”, No. PP-4479 of October 4, 2019 “On Broad Celebration of the Thirtieth Anniversary of the Adoption of the Law of the Republic of Uzbekistan“ On the State Language ” October 20 “580th anniversary of the great poet and thinker Alisher Navoi Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. PP-1395 of December 12, 2019 "On approval of the Regulation on the Department of State Language Development" No. 989, as well as other dissertations research serves a certain degree.

**The dependence of research on the priorities of the development of science and technology of the republic.** The dissertation was completed in accordance with the priority of the development of science and technology of the republic I. "Formation of a system of innovative ideas and ways to implement them in the social, legal, economic, cultural, spiritual and educational development of an informed society and a democratic state."

**The degree to which the problem has been studied.**

The series of dissertation researches in Uzbek Navoi studies, which began in the 1940s, has covered more than a hundred works. Literary scholars such as V.Abdullaev, A.Hayitmetov, S.Ganieva, A.Kayumov, Yo.Ishakov, I.Haqqul, A.Hojiahmedov, Sh.Sirojiddinov, H.Juraev have made a great contribution to the development of the field.

In the study of the language of the poet's works in the field of linguistics in Navoi studies, the phonetic and morphological features of the work "Muhokamat ul-lug'atayn", as well as the structural and spiritual features of simple sentences in prose, the emphasis on logic in the rhyme A.Rustamov, U.Sanakulov, M.Kadyrov, S.Ashirboev, I.Azimov, F.Hayitmetov, N.Umarova, M.Rakhmatov, U.Islamov<sup>54</sup> studied the issues of expression of cause and effect relationship. The lexical system of Navoi's<sup>55</sup> works was studied by B.Bafoev, and the phonetic-morphological and lexical-semantic analysis of Arabicisms<sup>56</sup> was studied by A.Nishanov. Also, lexical and stylistic features of Navoi's prose works (H. Mamadov<sup>57</sup>), the issue of synonyms (M. Rahmatullaeva<sup>58</sup>), lexical and grammatical

---

<sup>54</sup> Рустамов А. Навоий тилининг фонетик ва морфологик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Т., 1966; Санақулов У. Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғутайн” асарининг тили (фонетика ва морфология): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1971; Қодиров М. Функционирование падежных форм в языке прозы Алишера Навои: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1978; Аширбоев С. Алишер Навоий насрий асарларидаги содда гапларнинг таркибий ва маъно хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 1990; Азимов И. Алишер Навоийнинг насрий асарларида кесим марказли бош бўлакли гапларнинг шаклий ва мазмуний хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2001; Ҳайитметов Ф. Алишер Навоий ғазаллари кофиясида мантик урғусининг берилиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1998; Умарова Н. Алишер Навоий ғазаллари мактасида сабаб ва оқибат муносабатининг ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Фарғона, 2005; Рахматов М. Алишер Навоийнинг насрий асарларида эргаштирувчи боғловчи гапларнинг синтактик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008.

<sup>55</sup> Бафоев Б. Алишер Навоий асарлари лексикаси (лексик-семантик, статик ва тематик тадқиқот) (лексика произведений Алишера Навои (лексико-семантические, статические и тематические исследования): Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 1989

<sup>56</sup> Нишоннов А. Навоий тилидаги арабизмларнинг фонетик-морфологик ва лексик-семантик таҳлили (фонетико-морфологический и лексико-семантический анализ арабизмов языка Навои): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1990.

<sup>57</sup> Мамадов Х. Алишер Навоий насрий асарларининг лексик-стилистик хусусиятлари. Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Тошкент, 1969.

<sup>58</sup> Рахматуллаева М. К вопросу изучения синонимов в языке Алишера Навои (на материале “Наводирун ниҳоя”): АҚД. – Ташкент, 1965.

